

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**597 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
7 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 94-1*

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2013 йил 6 ноябрдаги ҳулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 1997 й., 10-сон, 33-модда) ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сонли «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами, 2000 й., 5-сон, 26-модда) қарорларига асосан **буюраман:**

1. «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан киритилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида назорат-касса аппаратларидан фойдаланиш тартибини (рўйхат рақами 94, 1994 йил 7 сентябрь) қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш юзасидан 2008 йил 6 февралдаги 20-03-6/14-сонли тақдимноманинг талаблари бажарилмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида назорат-касса аппаратларидан фойдаланиш тартибини (рўйхат рақами 94, 1994 йил 7 сентябрь) давлат реестридан чиқариш ҳақидаги мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

3. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

597-598-моддалар

— 122 —

45 (597)-сон

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш Қонунчилик бош бошқармаси бошлиғи Н. Жўраев зиммасига юклансин.

**Вазирнинг
биринчи ўринбосари**

М. ИКРАМОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 7 ноябрь,
329-мҳ-сон